

## Бақара сураси, 241-оят

10:30 / 22.03.2018 3069

**Талоқ қилинган аёлларга маъруф ила матоҳ бериш бордир.  
Тақводорлар зиммасига бурч ўлароқ. Бақара 241.**

Ушбу ояти каримага биноан, барча талоқ қилинган аёлларга – духулдан аввалми ёки кейинми, маҳри аниқланганми ёки аниқланмаганми, моддий фойда бериш керак. Бу иш талоқдек кўнгилсиз ишдан кейин аёлларнинг кўнглини кўтариш, уларга яна бир бор ҳурмат билдиришдир. Ояти карима ушбу молиявий муомалани ҳам тақвога боғлаётгани эътиборга сазовордир.